

||

**O‘zbekiston Respublikasi**

**Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi**

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

**XORIJIY FILOLOGIYA**

*til • adabiyot • ta’lim*

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

---

**3(84)/ 2022**

---

**Ministry of Higher and Secondary Special  
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

**FOREIGN PHILOLOGY**

*Language • Literature • Education*

Scientific-methodology journal

Samarkand

*Xorijiy filologiya: til, adabiyot, ta'lim.*

№3 (84), 2022.

*Uch oyda bir marta chiqadigan ilmiy-uslubiy jurnal*

Muassis: Samarqand davlat chet tillar  
instituti

Tahrir hay'ati:

**TUXTASINOV Ilhomjon (rais)**  
**SAFAROV Shahriyor (bosh muharrir)**  
**ASHUROVA Dilorom**  
**ASHUROV Shahobiddin**  
**TURNIYOZOV Ne'mat**  
**RIZAYEV Bahodir**  
*(muharrir o'rinbosari)*  
**MIRSANOV G'aybulla**  
**NASRULLAYEVA Nafisa**  
**ISMOILOV Salohiddin**  
**KISELYOV Dmitriy**  
**YAXSHIYEV Ashur (mas'ul kotib)**  
**KARIMOVA Safiya**

Jamoatchilik kengashi:

**MIRZAYEV Ibodullo**  
**USMONOV O'rol**  
**RAHIMOV G'anisher**  
**KARASIK Vladimir (Rossiya)**  
**FRUHAUF Manfred (Germaniya)**  
**AUSTERMUEL Frank (Buyuk Britaniya)**  
**JIANG Feng (Xitoy)**  
**SERGE Bellini (Fransiya)**  
**PEDACE Magda (Italiya)**  
**CHIHARU Tsurutani (Avsraliya)**

*Jurnal Oliy Attestatsiya komissiyasining filologiya fanlari bo'yicha ekspert kengashi (2014 yil 10 martdagi 2-sonli bayonnoma) tavsiyasi bilan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.*

Tahririyat manzili:

Samarqand sh., Bo'stonsaroy ko'chasi, 93,  
SamDCHTI.

Telefonlar: (998-91) 538-68-85;

Faks: (998-662) 210-00-18.

Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

*Jurnal Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan № 09-12 raqam bilan ro'yxatga olingan.*

ISSN: 2181-743X; Indeks 1266.

Jurnal 2001 yildan chiqa boshlagan.

© Samarqand davlat chet tillar instituti,

2022 yil.

*Foreign Philology: Language, Literature, Education.*

№3 (84), 2022.

*Scientific-methodical journal*

Founder: Samarkand State Institute of Foreign  
Languages

Editorial Board:

**TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman )**  
**SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)**  
**ASHUROVA Dilorom**  
**ASHUROV Shahobiddin**  
**TURNIYOZOV Nemat**  
**RIZAYEV Bakhodir**  
*(vice editor)*  
**MIRSANOV Gaibulla**  
**NASRULLAEVA Nafisa**  
**ISMAILOV Salohiddin**  
**KISELYOV Dmitriy**  
**YAKHSHIEV Ashur (executive secretary)**  
**KARIMOVA Safiya**

Public Council:

**MIRZAEV Ibodullo**  
**USMONOV Ural**  
**RAKHIMOV Ganisher**  
**KARASIK Vladimir (Russia)**  
**FRUHAUF Manfred (Germaniya)**  
**AUSTERMUEL Frank (Great Britain)**  
**JIANG Feng (China)**  
**SERGE Bellini (France)**  
**PEDACE Magda (Italy)**  
**CHIHARU Tsurutani (Australia)**

*The journal is included in the list of required publications according to the recommendation of the expert council in filological sciences of Higher Attestation Committee (Proceeding #2 from March 10, 2014).*

Address:

Samarqand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.

Phone: (998-91) 538-68-85;

Fax: (998-662) 210-00-18

Email: [ssifl\\_info@mail.ru](mailto:ssifl_info@mail.ru)

*The journal is registered under No 09-12 by Samarkand Regional Department of press and information.*

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

The journal has been published since 2001.

© Samarkand State Institute of Foreign Languages,

2022



## MUNDARIJA

### MAQOLALAR

<b>Раҳимов А.С., Ёрова С.</b> Шифокор - бемор мулоқотининг институционал ва интерконткстуал хусусиятлари .....	5
<b>Karimova Safiya.</b> Zebunnisobegim lirikasida yetakchi timsollar .....	11
<b>Шамахмудова А.</b> Ўзаро ҳамкорлик тамойиллари ҳурмат категориясинингасоси сифатида..	17
<b>Расулов З.</b> Сўз бирикмасининг ахборот-дискурсив мазмуни шаклланиши жараёнида тежамкорлик тамойилининг фаоллашуви .....	22
<b>Абдуллаева Н.</b> Инглиз халқ мақоллари таркибидаги градуонимик муносабатларнинг лингвопрагматик жиҳатлари.....	27
<b>Ахмедов А.</b> Неологизмнинг лингвистик мақоми хусусида.....	33
<b>Воситов В.</b> Туркизмларни ўзлаштиришда билвосита инглиз-туркий тил алоқалари .....	38

### ILMIY AXBOROTLAR

<b>Бабакулов И., Хамраева Г.</b> Интенсивные методы обучения русскому языку.....	42
<b>Юсупова Г.</b> Композиционный прием нарративной транспозиции, моделирование нарративных транспозиций.....	45
<b>Улугова Ш.</b> “Жейн Эйр” романида шахслараро муносабатларни ифодаловчи Метафоралар.....	53
<b>Daminova O.</b> “Build” - ”Qurmoq” fe’llarining aspektual semantikasi (ingliz va o‘zbek tillari materiallari asosida).....	60
<b>Содиқов Л.</b> Соматизм компонентларини ўз ичига олган от фразеологик бирликларнинг немис ва ўзбек тилларида қиёсланиши.....	64
<b>Бадридинова А.</b> Мақолларнинг инсоният нутқий маданиятида тутган ўрни .....	70
<b>Усмонова М. Шокиров Ш.</b> Инглиз тилида “Appearance-қиёфа” концептининг семантик тадқиқи.....	74
<b>Rashidova Z.</b> Ingliz va o‘zbek tillarida inkor olmoshining farqli tomonlari.....	79
<b>Каримова Сафо.</b> Инглиз тили поэтик матнида “Бахт” концептининг вербаллашуви.....	84
<b>Расулов Н.</b> Ирреалисни ифодаловчи лексик воситалар (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида).....	92



## CONTENTS

### REPORTS

<b>Rahimov A., Yorova S.</b> Institutional and intercontextual characteristics of doctor-patient communication.....	5
<b>Karimova S.</b> Significant symbols in Zebunnisobegim's lyrics.....	11
<b>Shamahmudova A.</b> Principles of cooperation as the basis of the politeness strategy.....	17
<b>Rasulov Z.</b> Actualization of the principle of economy in the process of formation of informative-discursive content of speech formations.....	22
<b>Abdullayeva N.</b> Linguopragmatic peculiarities of graduonymic relations in the content of English proverbs.....	27
<b>Axmedov A.</b> About the linguistic status of neologism.....	33
<b>Vositov V.</b> Indirect English-Turkish language relations in the borrowing of Turkism's.....	38

### SCIENTIFIC INFORMATIONS

<b>Babakulov I., Xamrayeva G.</b> Intensive methods of teaching the Russian language.....	42
<b>Yusupova G.</b> Compositional technique of narrative transposition, modeling of narrative transpositions. ....	45
<b>Ulugova Sh.</b> Metaphors reflecting interpersonal relationships in the novel "Jane Eyre". ....	53
<b>Daminova O.</b> The aspectual semantics of verbs "build" and "qurmoq" (Based on English and Uzbek materials). ....	60
<b>Sodikov L.</b> In this article, phraseological units with somatism component in German and Uzbek languages are comparatively analyzed.....	64
<b>Badridinova A.</b> The role of proverbs in human's speech culture.....	70
<b>Usmonova M., Shokirov Sh.</b> Semantic analysis of the concept "appearance" in the English language.....	74
<b>Rashidova Z.</b> Differential features of negative pronouns in the English and Uzbek languages .....	79
<b>Karimova S.</b> Verbalization of the concept of "Happiness" in the english poetic text.....	84
<b>Rasulov N.</b> Lexical means expressing irrealis (on the example of the English and Uzbek languages.....	92



## СЎЗ БИРИКМАСИНИНГ АХБОРОТ-ДИСКУРСИВ МАЗМУНИ ШАКЛЛАНИШИ ЖАРАЁНИДА ТЕЖАМКОРЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ ФАОЛЛАШУВИ

*Расулов Зубайдулло Изомович,*

*БухДУ доценти, филология фанлари номзоди*

*Калим сўзлар. дискурс, сўз бирикмаси, ахборот бўлаклари, тежамлилиқ, адъюнкт, контекст, вазият (ситуация), эллипсис, атрибутив бирикма.*

Ҳар қандай лисоний фаолият, нутқий ҳаракат инсон – дискурс – ахборот муносабати доирасида бажарилади ва аниқ бир ижтимоий мақсад ижросига йўналтирилади. Шу боис, лисоний ходисалар таҳлилида худди шу учбурчак қисмларнинг ўзаро алоқасини ва уларнинг ҳар бири бажарадиган вазифани аниқлашга эҳтиёж туғилади.<sup>5</sup>

Нутқий фаолиятнинг самарали кечиши унинг ортиқча ахборот бўлақларидан воз кечиши ҳамда ахборотнинг энг зарур қисмини ажратиб кўрсатилиши билан боғлиқ. Лисоний бирликлардан тежамли фойдаланиш мустақил номинатив бирликлар қаторига кирадиган сўз бирикмаларига ҳам хосдир<sup>6</sup>.

Сўз бирикмаларида адъюнкт доимо асосий бўлакка тобедир ва ушбу тобелик орқали нутқий тузилмадаги бошқа бирликлар билан муносабатга киришади.<sup>7</sup> Яқинда М.Даниева таъкидлаганидек, “сўз бирикмаларининг хусусияти шундаки, уларнинг коммуникатив вазифа бажариш меъёри бошқа тил бирликлариникидан фарқ қилади. Агар сўз синтактик тузилмаларнинг олдиндан маълум ва тайёр элементи бўлса, сўз бирикмасининг мураккаб тузилмалиги фақат коммуникация жараёнида аён бўлади, чунки у худди шу жараёнда алоҳида

бирликларнинг ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўлади”<sup>8</sup>.

Демак, сўз бирикмасининг адъюнкт қисми тушириб қолдирилганида гапнинг структур тузилиши сақланиб қолади ва у тугал фикрни ифодалаш имкониятига эга бўлади. Тобе бўлакнинг тушириб қолдирилиши ёки алмаштирилишида сўз бирикмасининг асосий қисми бутун тузилманинг грамматик ва семантик мақоми ўзгармаслигини таъминлаши ҳақидаги фикр тилшунослар томонидан кўп бора қайд этилган.<sup>9</sup> Асосий қисм тушириб қолдирилганида, аксинча, нутқий тузилма семантик тугаллигини йўқотади ва унинг мазмуни контекстга боғлиқ бўлиб қолади. Эллиптик сўз бирикмасининг контекстдан ташқарида мавжуд бўлиши муаммо. Қиёсланг:

*Her regular bus had gone. She hoped another would come soon.* (Hailey A. The Moneychangers.)

— *Бу гулми, кўҳлик? Йўқ наригиси!*  
*Ундан кўра буниси!* (А.Қодирий. Ўткан кунлар)

Ушбу ҳолатларда биринчи гапга таяниб, иккинчисида нима ҳақида сўз кетаётганини фаҳмлаш мумкин.

<sup>5</sup> Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. –Т.: Баёз, 2015. – Б.279.

<sup>6</sup> Rasulov, Z. (2021). Reduction as the way of the language economy manifestation. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от [http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/2943](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2943).

<sup>7</sup> Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика английского языка. –М.: Высшая школа, 1981. –С. 130.

<sup>8</sup> Даниева М.М. Отли сўз бирикмаларининг лингвистик мақоми. –Т.:Меҳридарё, 2018. –Б.29.

<sup>9</sup> Huddleston R. Introduction to the Grammar of English. –Cambridge: Cambridge University Press, 1995. –483 p; Абдурахмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Т.:Фан, 1996.; 25.

Rasulov, Z. I. ., & Saidov, K. S. . (2022). Linguistic Economy as an Inseparable Law of Language Evolution. Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes, 8–12. Retrieved from <http://www.conferenceseries.info/index.php/online/article/view/28>



Эллиптик сўз бирикмасининг матнда пайдо бўлиши одатда олдинги гапда ёки контекстда унинг ядроси ошкора тарзда эслатилишига боғлиқ. Баъзан ҳатто асосий бўлакнинг эллиптик шаклдан олдин эслатилиши ҳам етарли бўлади:

*He passed the bars and was approaching a third when he slowed down.* (Shaw I. Tip on a Dead Jockey and other stories.)

— *Жиян, — деди Ҳомид Раҳматка қараб, — бошлаб уйланишинг албатта ота-онанг учун бўлиб улардан ранжиб юришингни ўрни йўқ. Хотининг кўнглиннга мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қил. Буниси ҳам келишимаса учунчисини ол* (А.Қодирий. Ўткан кунлар)

Айрим ҳолларда сўз бирикмасининг асосий бўлаги нутқий тузилманинг эллипсидан кейинги қисмида ҳам учрайди:

*He looked at the menu. On the back were listed a California red and a California white. "Would anybody like some wine" he asked.* (Shaw I. Tip on a Dead Jockey and other stories.)

- *Оқиданми, ё қизилиданми истайдурлар?*

— *Оқ киимишникидан он келинг-э!—деди.— Мингта сизу биздан битта жизу биз яхиш* (Ш.Холмирзаев. Қил кўприк)!

Бундан ташқари, сўз бирикмасининг асосий бўлаги ва эллиптик шакл ягона бир гап таркибида мавжуд бўлади:

*"She kept standing there, her mouth working, her hands gripping his avidly"* (Shaw I. Tip on a Dead Jockey and other stories).

*"He finished his drink and Craig motioned for two more"* (Shaw I. Evening in Byzantium).

*Бироқ ўша вақтда бу уятсизнинг биринчи талоқ хатиси ҳам санга етиб ортқанлиқдан бунисини сандан яширган эдик. Ҳамон-да санинг умидинг кесилмагани учун бу хатни ҳам кўрсатмакчи бўлдим! — деди* (А.Қодирий. Ўткан кунлар).

Сўз бирикмаси асосий бўлаги эллипсидан олдинги ва кейинги

контекстда ундан бир нечта гаплар воситасида ажратилган ҳолда эслатилиши ҳолатлари ҳам учраб туради:

*"She had never had an accident, she boasted. She would have had twenty"* (Shaw I. Evening in Byzantium).

*"Are you interested in a screenplay?"*

*"I suppose you might say that", Craig said.*

*"Whose?" Murphy asked suspiciously* (Shaw I. Evening in Byzantium).

- *Бугун барчасига нима бўлса ҳам нуқта қўяман. Кўлёмаларимни, —Юсуф шоша-пиша ташқарига отланди* (У.Ҳамдам. Мувозанат).

Таҳлил натижаларидан равшанки, эллиптик сўз бирикмалари лисоний тежамкорлик тамойилининг фаоллашувида иштирок этади. Шунингдек, уларнинг матн бўлаклари ўртасидаги алоқани таъминлаш орқали мазмун яхлитлигига ҳисса қўшишига ҳам ишониш керак.

Сўз бирикмасининг асосий бўлаги баъзан атроф-қуршовдаги сўзлар маъноси орқали имплицит тарзда ифодаланади:

*"There is a new Dorris Day and Rock Hudson downtown"*.

*"I love Dorris Day. Hollywood should let her sing more"* (Updike J. Marry me.)

Мазкур вазиятда машҳур америкалик актёрлар иштирок этаётган фильм тўғрисида гапирилаётгани сезилади ва бунга диалогнинг иккинчи репликасида ишора қилинмоқда.

Сўз бирикмаси асосий қисмининг худди шу тарзда имплицит ифодаланиши қуйидаги ўзбек тилидаги диалог парчасида ҳам кузатилади:

- *"Ўзбегим"ни олинг, ҳофиз, - деб буюрди.*

*Дадаси Навоийдан айтаётган қўшиқни шарт узиб, "Ўзбегим"ни бошлаб юборди* (Т.Малик. Алвидо болалик).

Келтирилган мисолда таниқли ўзбек халқ ҳофиз Шерали Жўраевнинг Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов қаламига мансуб машҳур "Ўзбегим" номли кўшиғи ҳақида сўз бораётгани репликанинг давомида кузатилмоқда.

Эллиптик сўз бирикмасининг мазмунини англаш учун воқелик ва унда



мавжуд бўлган реалаялар ҳақида билимга эга бўлиш шарт, акс ҳолда вазият номаълум бўлиб қолаверади. Қиёсланг:

*“It’s now exactly eighteen minutes past seven, according to Mr. Cartier”.* (Shaw I. Rich Man, Poor Man.)

Бу ерда эслатилган *Mr. Cartier* номи машхур парижлик заргарга тегишли эканлигидан хабардор шахс сўз *Cartier* фирмасида ишлаб чиқарилган соат ҳақида кетаётганлигини англай олади.

-“*Бу дейман, Сайфиддин ака, мулла Сирожиддиннинг оёғи юриши учун эмас, “Москвич”ни босиши учун яратилган эканда*”. (Ў.Ҳошимов. Нур борки, соя бор.)

Мазкур мисолдаги “Москвич” сўзи орқали асарда акс эттирилган даврда кенг оммалашган автомобиль тури ҳақида гап бораётганлигини ўзбек ўқувчиси осонгина фарқлай олади.

Тўлиқсиз сўз бирикмаларининг мақоми ва нутқий фаоллашув хусусиятларини ўрганаётиб, уларнинг турли-туманлигини кўрамиз. Эллиптик колипларнинг тўлиқ шаклдагилар билан ёнма-ён қўлланиши ушбу турдаги сўз бирикмаларининг окказионал, яъни фавқулдда қўлланишидан далолат беради. Бироқ, мазкур турдаги баъзи сўз бирикмалари синтактик турғунлашиб, уларнинг эллиптик эканлиги сезилмай қолади. Булар қаторига дўкон, ресторан, меҳмонхона ва ўқув юртлари, санъат асарлари кабиларнинг номлари киради. Масалан: *baker’s (shop), Lancer’s (bar), St. Paul’s (Cathedral), The Tate (Gallery), Master’s (degree), Harvard (College), Christina (Street)* ёхуд *Арк (қўрғони), Чинор (чайхонаси), Самарқанд дарвоза (кўнгилочар савдо мажмуаси), Ҳазрати Имом (жомеъ масжиди), Шоҳизинда (тарихий меъморий мажмуаси)* ва ҳоказо. Тўғри, матнларда ушбу атамалар тўлиқ шаклда ҳам эслатилиши мумкин, лекин, бундай ҳолатлар замонавий матнларда нисбатан кам учрайди. Тўлиқ шакл нутқий мулоқот тизимида эллиптик шакл томонидан қарийб сиқиб чиқарилган.

Аниқловчили сўз бирикмаларининг нутқ фаоллашув хусусиятлари ҳақида

гапираётиб, асосий бўлакнинг тушириб қолдирилиши натижасида ҳосил бўлган сифатлар кўпинча отлашган ҳолда тил луғат тизимидан ўрин олади. Масалан: *a portable, local, stupid, an old-fashioned, etc.* Ушбу бирликлар от туркумига хос кўрсаткичлар: артикль, кўплик сон шаклини олади ва ниқловчи билан бирикади. Қиёсланг:

*That’s no way to talk to your betters.* (Chase A. Knock, Knock! Who is there).

Шунинг билан биргаликда, сўз бирикмасининг эллипсизга учраши оқибатида ҳосил бўлаётган айрим сифатлар луғатларда отлашган бирлик мақомида қайд этилмасдан қолган: *ignorant, stubborn, timid, etc.:*

*“But he is a fearful man, and a timid”* (Chase A. Knock, Knock! Who is there).

Аниқловчили сўз бирикмаси қисмлари ўртасидаги аттрибутив алоқа бошқа турдаги синтактик алоқалардан (масалан, предикатив алоқадан) тубдан фарқ қилади. Машхур тилшунос А.И.Смирницкий аттрибутив алоқани “гап таркибидаги сўзлар ўртасидаги энг жонли ва энг мустаҳкам алоқа” деб таърифлаганини эслаймиз.<sup>10</sup> Мазкур турдаги алоқа гап тузилишида ҳеч қандай ролни ўтамайди, у фақат атрибутив бирикмани ҳосил қилади. Унинг воситасида ҳосил бўлган бирикма гап таркибидан тайёр, яхлит бирлик сифатида ўрин олади. Сўз бирикмасида етакчи ва тобе бўлақлар ўртасида алоқа шу қадар зички, уни қўшма сўзга айлантириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Шунинг учун ҳам сўз бирикмалари предикатив тузилмали гапларда худди алоҳида луғавий бирлик каби мустақил равишда иштирок этади. Ҳар ҳолда аттрибутив гуруҳ бўлақлари ўртасидаги алоқа грамматик кўрсаткичларга эга бўлади. Сўз бирикмасининг етакчи бўлаги тушириб қолдирилганида ҳам ушбу кўрсаткичлар сақланиб қолиши боис, эллипсиз тўлиқ

<sup>10</sup> Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. –М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1957. –С. 174.



бирикманинг қисми сифатида идрок этилади.

Эллипсисга, одатда, икки ёки уч қисмли сўз бирикмалари учрайди. Бундай бирикмалар қисмларининг тушириб қолдирилиши, табиийки, умумий маънога таъсир ўтказмасдан қолмайди ва узатилаётган ахборот мазмунида маълум сиилжишлар юзага келиши кутилган ҳолдир. Шундай бўлса-да, терминологик бирикмаларда бош бўлак ёки аниқловчининг тушиб қолиши тез-тез учрайдиган ҳолатдир. Қиёсланг:

*First Merchantile American Bank* → *First Merchantile American* → *First Merchantile*;

*Буюк Инак Йўли банки* → *Инак йўли банки* → *Инак йўли*.

Аниқловчи ва асосий бўлақлар ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамлиги, юқорида эслатилганидек, грамматик ва лексик кўрсаткичларга эга ҳамда эллипсис юзага келганида аттрибутив алоқа кўрсаткичлари тамоман йўқолмайди. Худди шу кўрсаткичларнинг мунтазамлиги бош бўлақнинг тушиб қолганидан дарак беради. Шу сабаб бўлса керакки, эллипсис кўпинча формал кўрсаткичлар мавжудлигида содир бўлади.

Инглиз тилида шундай кенг тарқалган кўрсаткичлардан бири эгалик маъносини ифодаловчи 's формантидир.

*"He looked at her now, but the eyes that met Julia's were hostile"* (Maugham W.S. Theatre).

Ўзбек тилида ҳам эгалик шакллари шундай вазифани бажариши мумкин:

-Қалай, Мушаррафнинг ўйини ёқдимми?

-*Собираҳонники дуруст.* (Шухрат. Олтин зангласмас.)

— *Қизларингиз қани? — сўради Юсуф қўлидаги қадаҳни айлантирган кўйи.*

— *Биз бугун ҳашарга отланаётган эдик. Сизнинг келишингизни кутмовдик. Опамларникида...* — *Захро овозида ширин бир маъно бор эди* (У.Ҳамдам. Мувозанат).

Инглиз тилида, бундан ташқари, эллипсисга учраган сўз бирикмаси олдида турган аниқ ва ноаниқ артикль ҳам

тушириб қолдирилган отнинг "вакили" вазифасини бажаради:

*He thought about the broad brick house on the quiet, treelined New York Street, the small back garden, now a dusty green, the table in his study, the books on his shelves* (Shaw I. Evening in Byzantium);

*Should we be going out to catch this four-fifteen?* (Shaw I. Evening in Byzantium).

Тежамкорликнинг инглиз тилига хос хусусиятларидан яна бири - эллипсисга учраган сўз бирикмасида предлогнинг қўлланиши ҳам асосий бўлак тушириб қолдирилганидан хабар беради:

*Edith could not have told within two years the day of her first meeting with Lloyd Williams; nor within three the number of times she had spoken to him* (O'Hara J. Ten North Frederick)

Маълумки, қиёсий ва ортгирма даражалари шаклига эга бўлган сифатлар кўпинча атрибутив бирикмаларда тобе бўлак ўрнини эгаллайди ва бундай бўлақлар бир предметнинг сифат меъёри иккинчисиникига нисбатан кўп ёки камлигига ишора қилади. Худди шу кўрсаткичлар атрибутив сўз бирикмасининг асосий қисми тушиб қолдирилганлигидан дарак беради:

*"It's a dark day, but perhaps there's brighter ahead"* (O'Hara J. Ten North Frederick).

- *Нима бало, жигарингиздан урдими?*

- *Урса арзимабмизми?*

- *Арзийсиз, ундан ҳам ёйроғига арзийсиз* (Шухрат. Олтин зангласмас)!

Келтирилган мисолларда сифатнинг қиёсий даражасини ифодаловчи суффикслар сўз бирикмасининг от қисми эллипсисга учраганининг кўрсаткичи вазифасини бажармоқда. Ўзбек тилидаги мисолда мазкур от имплицит шаклда воқеланмоқда.

Равшанки, эллиптик сўз бирикмаларида атрибутив алоқанинг турли грамматик ишоралари мавжуд ва ушбу вазифа бошқа турдаги бирликлар воситасида ҳам бажарилиши кузатилади. Жумладан, эллиптик сўз бирикмаси гапнинг эгаси ўрнини эгаллаганида





кесимнинг шакли бирон-бир бўлакнинг туширилганидан билвосита хабар бериши ҳолатлари учрайди:

“Swell fella”, she said. “More coffee? Fresh is ready”.

“Yeah”. Ella brought a fresh cup (Maugham W.S. Theatre).

Ўзбек тилида эса мазкур ишора эгалик олмошининг тегишли шакли орқали намоён бўлади:

-Мен сизни ўша атлас кўйлагингизда келасиз, деб ўйлаган эканман.

- **Атласи** байрамлар учун, – очигини айтди у (Шухрат. Олтин зангламас).

Демак, эллиптик ва тўлиқ шаклдаги сўз бирикмаларининг гап таркибида бажарадиган синтактик вазифаси қарийб фарқ қилмайди.

Эллиптик сўз бирикмаларида атрибутив алоқа фаоллашувининг формал

кўрсаткичлари инглиз ва ўзбек тилларида фарқланади – инглиз тилида артикль, олмош, предлог, послелог, сифат даражаларини белгиловчи шакллар ва луғавий бирликлар кузатилса, ўзбек тилида эгалик кўшимчалари, олмош, сифат даражаларини белгиловчи шакллар ва луғавий бирликлардир. Сўз бирикмаси эга вазифасида келганида бу вазифани феъл шакллари ҳам бажариши мумкин. Айнан шу кўрсаткичлар кўлланишида эллиптик сўз бирикмалари тўлиқ тузилманинг алоҳида қисми сифатида эътироф этилади. Баъзан ушбу кўрсаткичлар мавжуд бўлмаслиги ҳам кузатилади. Бироқ, бундай ҳолатда ҳам эллиптик бирикма тўлиқ сўз бирикмасининг ўриндоши сифатида қабул қилинади.

#### Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. –Т.: Баёз, 2015. – Б.279.
2. Rasulov, Z. (2021). Reduction as the way of the language economy manifestation. Центр Научных Публикаций (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от [http://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/2943](http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2943).
3. Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика английского языка. –М.: Высшая школа, 1981. –С. 130.
4. Даниева М.М. Отли сўз бирикмаларининг лингвистик мақоми. –Т.:Мехридарё, 2018. –Б.29.
5. Huddleston R. Introduction to the Grammar of English. –Cambridge: Cambridge University Press, 1995. –483 p.
6. Абдурахмонов Ф. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. –Т.: Фан, 1996.
7. Rasulov, Z. I. ., & Saidov, K. S. . (2022). Linguistic Economy as an Inseparable Law of Language Evolution. Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes, -P. 8–12. Retrieved from <http://www.conferenceseries.info/index.php/online/article/view/28>
8. Смирницкий А.И. Синтаксис английского языка. –М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1957. –С. 174.

**Rasulov Z. Actualization of the principle of economy in the process of formation of informative-discursive content of speech formations.** The article reveals the features of the syntax level of the principle of economy, which is considered one of the laws of language development. In particular, one of the main conditions for the formation of elliptical speech structures in the formation of information and discursive content of a vocabulary is proved to be a context and a speech situation. Formal indicators of activation of attributive communication in elliptical vocabulary features of differentiation in English and Uzbek are evidenced by the means of examples.

**Расулов З. Актуализация принципа экономии в процессе формирования информационно-дискурсивного содержания речевых образований.** В статье выявляются особенности синтаксического уровня принципа экономии, который представляет собой одну из закономерностей языкового развития. В частности, одним из основных условий для формирования эллиптических конструкций в речи для передачи информационно-дискурсивного содержания словарного запаса является контекст или речевая ситуация. Формальные индикаторы актуализации коммуникативного акта в эллиптическом вокабуляре различаются в английском и узбекском языках, что доказывается соответствующими примерами.